

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.11.2021.Т.55.06 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАШЕВ ЭЛӢР АТАШЕВИЧ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИ ВА ЗИНЕЛЪБУЛОҚ
МАГНЕЗИТ ХОМ АШӢЛАРИ АСОСИДА МАГНИЙЛИ
АЗОСУПЕРФОСФАТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БӢЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Аташев Элёр Аташевич

Марказий қизилқум фосфоритлари ва Зинельбулоқ магнезит
хомашёлари асосида магнийли азосуперфосфатлар олиш
технологияси..... 3

Аташев Элёр Аташевич

Технология получения магниевых азосуперфосфатов на основе сырья
фосфоритов Центрального Кызылкума и магнезита Зинельбулак..... 21

Atashev Elyor Atashevich

Technology of obtaining magnesium azosuperphosphates using Central
Kizilkum phosphorites and Zinelbulok magnesite raw materials..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.11.2021.Т.55.06 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАШЕВ ЭЛӢР АТАШЕВИЧ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИ ВА ЗИНЕЛЬБУЛОҚ
МАГНЕЗИТ ХОМ АШӢЛАРИ АСОСИДА МАГНИЙЛИ
АЗОСУПЕРФОСФАТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БӢЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Г1396 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.urdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жуманиязов Махсуд Жаббиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий опонентлар:

Закиров Бахтиёр Сабиржанович
кимё фанлари доктори, профессор

Нурмуродов Тулкин Исамуродович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети хузуридаги PhD.03/30.11.2021.Т.55.06 рақамли Илмий кенгашининг « 5 » апрель 2022 йил соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х. Алимжон кўчаси 14. Тел.: (998-62) 224-67-00; факс: (998-62) 224-66-16; www.urdu.uz, e-mail: info@urdu.uz).

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х. Алимжон кўчаси 14. Тел.: (998-62) 224-67-00; факс: (998-62) 224-66-16.

Диссертация автореферати 2022 йил « 18 » март куни тарқатилди.
(2022 йил « 18 » мартдаги 1- рақамли реестр баённомаси).



Реймов А.М.

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, уряибосари, т.ф.д., профессор

Антова Ш.К.

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

Курамбаев Ш.Р.

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳоли сонини ортиб бориши туфайли, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж кун сайин ўсиб бормоқда. Аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлашнинг энг зарур самарали йўлларида бири қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишдир. Ўсимликларнинг нормал ўсиши ва юқори ҳосил беришини таъминлашда асосий озуқа элементлари азот, фосфор, калийдан ташқари олтингугурт, кальций ва магний макроэлементлари бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан қишлоқ хўжалигини сифатли, арзон ва мақбул нисбатларда турли хил озуқа моддаларини ўз ичига олган N-P-Mg-Ca-S сакловчи, маҳаллий табиий минераллар асосида олинадиган комплекс ўғитлар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда магнийли азосуперфосфатлар олиш технологиясини яратиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада тальк-магнезитли минералидан флотация усулида магнезит бўтқасини ажратиш; паст навли фосфоритларини сульфат кислота ва аммоний сульфат иштирокида парчалаб, ҳар хил таркибга эга бўлган азосуперфосфатлар олиш жараёнларига кислота концентрацияси ва меъёри таъсирини аниқлаш; синтез қилинган магнийли азосуперфосфатнинг реологик хоссалари, гигроскопиклиги, грануллар мустаҳкамлиги ва механик хоссаларини тадқиқ этиш; яратилган технология асосида турли шароитларда олинган магнийли азосуперфосфатлар ишлаб чиқаришнинг технологик тизимини ишлаб чиқиш, унинг таснифини келтириш, моддий баланс ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада инновацион технологиялар асосида оддий ва мураккаб минерал ўғитларнинг янги турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича самарали натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Зинельбулоқ кони магнезитидан сульфат кислота иштирокида магнезиал бўтқани ажратиш ва унинг асосида магнийли азосуперфосфат ўғитини олиш технологиясининг яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида», 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора тадбирлари

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

тўғрисида» ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тadbирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Қизилқум, Хўжайли, Хўжакўл, Гулиоб, Қоратоғ фосфоритларини ва Қорақолпоғистон глауконитларини нитрат, фосфат, сульфат кислоталари билан қайта ишлаб бирламчи фосфорли ва мураккаб ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича М.Н.Набиев, Б.М.Беглов, Ш.С.Намазов, С.М.Таджиев, А.М.Амирова, Х.Ч.Мирзакулов, А.У.Эркаев, А.М.Реймов, А.Р.Сейтназаров, У.К.Алимов И.Т.Шамшидинов, Н.В.Вольнскава, Б.Э.Султонов, С.Баутдиновлар ва бошқаларнинг илмий изланишлари орқали соҳа илмига кўшаётган ҳиссалари анча салмоқлидир. Уларнинг тадқиқотларида Қоратоғ ва Марказий Қизилқум фосфоритларини сульфат, нитрат, фосфат кислоталари ва минерал тузлар асосида парчалаб янги турдаги фосфорли ўғитлар олишга эришганлар. Таркибида кальций ва магний бўлган фосфорли ўғитлар олишда асосан доломитдан фойдаланишни илмий асослашган.

Таъкидлаш лозимки, паст навли юқори карбонатли Марказий Қизилқум фосфорити ва Зинельбулоқ магнезит хом ашёлари асосида магнийли азосуперфосфатлар олиш технологиясини яратиш ва кенг ишлаб чиқариш ташкил этиш борасида бугунгача тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 11/2021 – сонли «Минерал хом ашёлар ва саноат чиқиндилари асосида ҳалқ хўжалиги маҳсулотларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Паст навли юқори карбонатли Марказий Қизилқум фосфоритлари ва Зинельбулоқ магнезит хом ашёси асосида магнийли азосуперфосфатлар олиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Зинельбулоқ тальк-магнезитли минералидан флотация усулида магнезит бўтқасини ажратиш;

ажратиб олинган магнезит сакловчи чўкмани сульфат кислотанинг турли концентрацияларда ва меъёрларида қайта ишлаб эрувчан магний сульфат олиш мумкинлигини илмий асослаш;

паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларини сульфат кислота ва аммоний сульфат иштирокида парчалаб, ҳар хил таркибга эга бўлган азосуперфосфатлар олиш жараёнларига кислота концентрацияси ва меъёри таъсирини ўрганиш;

Марказий Қизилқум фосфоритлари ва Зинельбулоқ тальк-магнезити асосида таркибида N-P-Mg-Ca-S сақловчи магнийли азосуперфосфатлар олишнинг физик-кимёвий асосларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш;

синтез қилинган магнийли азосуперфосфатнинг реологик хоссалари, гигроскопиклиги, гранулалар мустаҳкамлиги ва механик хоссаларини тадқиқ этиш;

лаборатория модел ускунасида магнийли азосуперфосфат олиш жараёнларининг технологик параметрларини аниқлаш, олинган илмий натижаларга кўра Марказий Қизилқум фосфоритлари ва Зинельбулоқ тальк-магнезити асосида таркибида N-P-Mg-Ca-S сақловчи магнийли азосуперфосфат олишнинг ўзига хос технологиясини яратиш;

яратилган технология асосида турли шароитларда олинган магнийли азосуперфосфатлар ишлаб чиқаришнинг технологик тизимини ишлаб чиқиш, унинг таснифини келтириш, моддий баланс ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

тажриба-саноат ишлаб чиқариш шароитида олиш технологиясини синовдан ўтказиш ва янги маҳсулотларнинг тажриба партиясини ишлаб чиқариш ҳамда ҳамда жараённинг асосий технологик катталикларни аниқлаш; магнийли азосуперфосфат ўғитларни агрокимёвий синовлардан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти: Паст навли Марказий Қизилқум фосфоритлари, сульфат кислотаси, аммоний сульфат, Зинельбулоқ тальк-магнезитини сульфат кислотли қайта ишлаш асосида ажратилган магний сульфат бўтқасидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети: Паст навли Марказий Қизилқум фосфоритидан сульфат кислота ва аммоний сульфат иштирокида азосуперфосфат олиш, Зинельбулоқ тальк-магнезитидан ажратиб олинган магнезит хом ашёларини сульфат кислота билан парчалаб магний сульфат сақловчи кислотали эрувчан магнезиал бўтқа олиш ва уни фосфорит билан нейтраллаб магний-фосфатли ярим тайёр маҳсулот олиш ва нордон магний фосфорли ўғитлар, азосуперфосфат билан аралаштириб магнийли азосуперфосфат олишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кимёвий, физик-кимёвий таҳлилнинг рентгенофаза, рентгенфлуороцентли ва ИҚ спектроскопик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Зинельбулоқ тальк-магнезити минералидан флотацион бойитиш усулида магнезитни ажратиш ва унга сульфат кислота таъсирлаштириб $MgSO_4$ тутган нордон бўтқа олиш имконияти асосланган;

паст навли Марказий Қизилқум фосфоритлари ёрдамида нордон магнезияли бўтқаларни нейтраллашнинг физик-кимёвий асослари аниқланган;

паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларини сульфат кислота ва аммоний сульфатнинг турли меъёрларида парчалаб азосуперфосфатлар олиш мумкинлиги исботланган;

Зинельбулоқ тальк-магнезити асосида олинган магнезиал бўтқа ва азосуперфосфатлар асосида таркибида N-P-Mg-Ca-S тутувчи янги комплекс ўғитлар олиш имконияти асосланган;

N-P-Mg-Ca-S туридаги янги комплекс ўғитининг озуқа компонентлари миқдорлари, физик-механик ва товар хоссалари аниқланган;

паст навли Марказий Қизилқум фосфоритлари ва Зинельбулоқ тальк-магнезит кони асосида магнийли азосуперфосфат ўғитларини ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Зинельбулоқ кони тальк-магнезитини флотацион бойитиш жараёнлари орқали магнезит олишнинг мақбул технологик катталиклари аниқланган;

магнийли азосуперфосфат ўғитларини олиш жараёнларини мақбул технологик катталиклари аниқланган, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган ва технологияси ишлаб чиқилган;

магнийли азосуперфосфат ўғитларини тажриба партиялари ишлаб чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари, лаборатория тадқиқотлари ва тадқиқот-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти паст навли Марказий Қизилқум фосфоритлари ва магнезит хом ашёларини сульфат кислотасининг ва аммоний сульфатнинг ҳар хил концентрация ва меъёрларида парчалаш жараёнининг умумий қонуниятлари очиқ берилганлиги, парчалаш ва нейтраллашнинг мақбул шароитларини топиш ҳамда ўғитларнинг яхши физик-механик ва товар хоссаларига эга эканлиги магнийли азосуперфосфатлар олишнинг илмий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, паст навли юқори карбонатли Марказий Қизилқум фосфоритлари ва Зинельбулоқ кони тальк-магнезитини кислотали парчалаш йўли билан самараси юқори ва танархи арзон бўлган магнийли азосуперфосфат ўғитлари олишнинг рақобатбардош технологиясини ишлаб чиқишга ҳизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Паст навли юқори карбонатли Марказий Қизилқум фосфоритлари ва Зинельбулоқ кони тальк-магнезитидан магнийли азосуперфосфат ўғитлари олиш технологиясини ишлаб чиқишнинг илмий натижалари асосида:

фосфорит, магнезит, сульфат кислота ва аммоний сульфат иштирокида магнийли азосуперфосфат ўғит олиш технологияси «Электрокимё завод» АЖ ҚК да «2025-2029 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар руйхати»га киритилган («Ўзкимё саноат» АЖнинг 2022 йил 4 февралдаги 23-3-374 - сон маълумотномаси). Натижада Республикамизга импорт ҳисобига кириб келтирилаётган магний-фосфатли ўғитлар ўрнини босувчи ўғит олиш имконини беради.

Магнезит ва Қизилқум фосфорити асосида таркибида N-P-Mg-Ca-S- тутган мураккаб ўғит олиш технологияси «Электрокимё завод» АЖ ҚК да

«2025-2029 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар руйхати»га киритилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2022 йил 4 февралдаги 23-3-374 - сон маълумотномаси). Натижада пахта ва буғдой уруғларини униб чиқиши энергияси ва унувчанлигига ижобий таъсир этадиган мураккаб ўғит олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та илмий мақола, шулардан 4 таси республика, 4 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот иши натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий хом ашёларни қайта ишлаб Mg-N-P тутган ўғитлар ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида фосфорли ва магнийли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг хом ашё манбалари, Марказий Қизилқум фосфоритларидан азот-фосфорли комплекс ўғитлар олиш борасида қилинган илмий ишларнинг замонавий ҳолати ва магний сақловчи ўғитлар олиш борасидаги сўнги 15 йил ичидаги илмий тадқиқотлар бўйича хорижий ва республикамиз олимлари томонидан олиб борилган илмий ишлар баён этилган, адабиётлар таҳлил этилган. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектларини тавсифи ва тажрибаларни ўтказиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларда қўлланилган усулларнинг баёни ва хом ашёларни танлаш бўйича маълумотлар келтирилган. Хом ашёлар ва олинган маҳсулотларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлашда замонавий таҳлил усуллари ҳамда давлат андоза талаблари асосида синов-тажриба услублари келтирилган. Магнийли азосуперфосфатлар олиш учун маҳаллий хом ашёлар – Марказий Қизилқум фосфорити ва Зинельбулоқ кони тальк-магнезити асосий объект

сифатида танланган. Фосфорит намуналарининг кимёвий таҳлил натижалари куйидаги 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал

Тадқиқотларда ишлатилган Марказий Қизилқум фосфорит намуналарининг кимёвий таҳлили натижалари

№	Таркиб номлари	Технологик намуналар			
		Бойитилмаган фосфорит		Паст навли фосфорит (минераллашган масса)	
1	P ₂ O ₅ умумий	17,65	18,79	13,94	12,38
2	P ₂ O ₅ _{ўз} , 2% (ЛК)	1,05	1,11	1,95	1,99
3	CaO	44,57	45,04	43,78	44,06
4	MgO	1,73	1,79	2,11	1,96
5	Fe ₂ O ₃	1,40	1,32	1,78	1,80
6	Al ₂ O ₃	1,13	1,19	1,48	1,21
7	CO ₂	15,25	14,41	19,10	19,73
8	SO ₃	4,42	2,90	2,10	2,56
9	F	2,32	2,29	0,42	1,45
10	H ₂ O	1,15	1,12	1,17	1,78


Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак ва Беруний туманлари орлиғида жойлашган Зинельбулоқ кони тальк-магнезит хом ашёсининг зичлиги 2,8-3,0 г/см³, иссиқлик сиғими 800-900 Ж/(кг°С), сув ютувчанлиги 0,3% га тенг. Кимёвий таркиби бўйича ДавСтанд 21235-75 талабларига жавоб бериши ва минералогик таркиби 62%-тальк ва 38%-магнезитдан ташкил топганлиги аниқланди. Кимёвий таҳлил натижаларига кўра (масс, %): SiO₂ 40,80, MgO 30,50, Fe₂O₃ 5,06, Al₂O₃ 1,08, CaO 0,82, SO₃ 0,05, MnO 0,13, Sr 0,15, NiO 0,23, Cr₂O₃ 0,28 ва куйдирилгандаги йўқотишлар 18,84 эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Зинельбулоқ тальк-магнезит минераллари ва паст навли Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида магнийли азосуперфосфатлар олишнинг физик-кимёвий асослари**» деб номланган учинчи бобида Зинельбулоқ тальк-магнезитдан флотацион бойитиш усули ёрдамида магнезитни ажратиб олиш, ажратиб олинган магнезит сақловчи бўтқани сульфат кислотанинг турли концентрация ва меъёрларида қайта ишлаб олинган кислоталиги юқори бўлган магнезиал бўтқаларни паст навли Марказий Қизилқум фосфорити ёрдамида нейтраллаш жараёнини ўрганиш, сульфат кислота ва аммоний сульфат асосида азосуперфосфатлар ва магнийли азосуперфосфатлар олиш бўйича ўтказилган тадқиқотларининг натижалари баён қилинган. Дастлаб тальк-магнезитдан флотациялаб магнезитни ажратиб олишнинг оптимал кўрсаткичлари аниқланди. Флотациялаш жараёнида ҳарорати 26°С, флотореагент миқдори 200 г/т ва вақти 15 дақиқа деб белгиланди. Ажратиб олинган магнезит концентратининг рентгенфлуоресцентли спектрометрик таҳлили 1-расмда келтирилган. Таҳлилларга кўра унинг кимёвий таркиби (масс.%): 39,15-SiO₂, 39,46-MgO, 5,93-Fe₂O₃, 2,42-Al₂O₃, 2,78-CaO, 1,62-MnO, 1,78-ZrO₂, 1,34-SO₃, 1,56-NiO ва 3,96-H₂Oдан иборат эканлиги топилди.




1-расм. Магнетитли бўтқанинг рентгенфлуоресцентли спектрометр қурилмасида кенгайтирилган тарздаги таҳлили.

Магнетитли чўкманинг минерологик миқдорий таркиби рентгенография ёрдамида BGMN/Profex Rietveld дастурий таъминоти орқали таҳлил қилинганда (2-расм), 53,70%-магнетит; 27,20%-талък; 10,01%-кеммерерит; 7,75%-доломит ва 1,34%-калцитдан иборатлиги аниқланди.



2-расм. Магнетитли бўтқанинг рентгенограммаси.

Кейинги тадқиқотларимизда ажратиб олинган магнетит концентратини турли концентрациядаги (20-96%) сульфат кислотада ва турли (30-100°C) ҳароратларда парчалаш жараёнларининг ўзаро боғлиқликлари ўрганилди. Ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар натижаларига кўра, (3-расм) магнетит концентратининг парчаланиши кислота концентрацияси ва ҳароратнинг ортиши билан максимал қийматларга етади.



3-расм. Магnezитли хом ашёни парчаланиш даражасига H_2SO_4 концентрациясининг ва ҳароратнинг боғлиқлиги.

1- $MgO_{суб.}$ нинг сувда эрувчан ва 2- $MgO_{ўз}$ ўзлашувчан шакли.

Кислота концентрацияси 20-50% бўлганда парчаланиш даражаси 1,40-1,68 мартагача ортиб бориши кузатилди. Кислота концентрацияси 60-96% бўлганда 1,56 марта, кислотанинг барча концентрацияларида ҳарорат 30-40°C бўлганда парчаланиш даражаси 1,43 марта, 50-100°C ҳароратда эса 1,08 марта ортиши аниқланди. Изланишлар давомида парчаланиш жараёнининг экзотермик бўлганлигидан, 40°C ҳароратда магnezитли чўкмани парчалаш юқори ҳароратларга нисбатан самарали эканлиги аниқланди. Ушбу бўтқани 40°C ҳароратда парчаланиш давомийлиги, турли кислота концентрацияларида 180 дақиқа мобайнида ўрганилди. Кислота концентрацияси 40% бўлганда парчаланиш даражаси 150 дақиқада 72,32% га, жараённинг 180 дақиқасида эса 76,64% гача ортиб 1,04 марта, 60% H_2SO_4 да парчаланганда жараённинг 90 дақиқасида 72,65% га ва 180 дақиқада 79,86% гача кўтарилиб 1,09 марта, 80% H_2SO_4 да парчаланганда жараённинг 30 дақиқасида 80,65% га ва 180 дақиқада 83,02% гача кўтарилиб 1,03 мартага ва кислота концентрацияси 96% бўлганда жараённинг 30 дақиқасида 83,54%ни ва жараён охирида 84,40%гача яъни 1,01 мартагача ортиши кузатилди.


Юқори концентрацияли сульфат кислотадан (96%) фойдаланиш, магnezитли бўтқанинг парчалашда самарали эканлиги асосланди. Магnezитли хомашёни парчалаш жараёнида кислота меъёрини аниқлаш мақсадида 96%ли

H_2SO_4 дан фойдаланган ҳолда 40°C ҳароратда, 30 дақиқада тадқиқотлар олиб борилди. Магnezитли бўтқанинг 20% меъёрдаги сульфат кислота билан парчалаганда 24,48%ни ва 100% меъёрда 83,54% ни ташкил қилиб 3,41 мартага ортиши кузатилди. Олинган намуналар таҳлил қилинганда H_2SO_4 меъёрнинг (20-100%) ҳамда парчаланиш даражасининг ортиб бориши билан $MgO_{суб.}$ шакли 2,13 мартага ортиб 7,97% дан 17,04% гача етиши аниқланди (2-жадвал).

Магnezитни 96% сульфат кислота стихиометрик миқдорининг турли меъёрларида парчалаш натижалари

H ₂ SO ₄ меъёри, %	pH _{ох}	MgO миқдори, %			CaO миқдори, %	
		MgO _{ум}	MgO _{ўз}	MgO _{сув.}	CaO _{ум}	CaO _{сув.}
20	3,40	32,56	6,17	7,97	0,60	0,46
30	3,05	27,88	8,13	10,30	0,76	0,23
40	2,60	26,75	8,40	12,00	0,56	0,53
50	2,20	28,68	11,38	13,71	0,48	0,43
60	1,92	25,11	13,18	15,72	0,51	0,43
70	1,73	27,24	13,38	17,62	0,43	0,41
80	1,60	26,04	15,03	17,23	0,44	0,41
90	1,45	20,61	14,39	16,11	0,39	0,33
100	1,01	20,19	13,70	17,04	0,67	0,56

Тадқиқотларимиз давомида pH кўрсаткичи юқори бўлган магnezиял бўтқалар азосуперфосфатлар билан таъсирлаштирилганда таркибдаги монокальцийфосфатлар ретроградацияси кузатилмаслигини таъминлаш мақсадида MgO_{ум}/P₂O_{5ум} нисбатининг турли миқдорларида нейтраллаш жараёнлари ўрганилди. Тадқиқотлар pH_{бош} 1,04да, магnezиял бўтқанинг фосфоритларга нисбати MgO_{ум}/P₂O_{5ум}=1,0÷3,0 оралиқлардаги таркибларида нейтралланиш ҳолатлари ва ушбу ҳолатнинг ПНМҚ фосфоритларининг парчаланиш даражаларига таъсирлари ўрганилди. Нейтраллаш жараёнида олинган натижалар 4-расмда келтирилди.



4-расм. Нейтраллашнинг фосфоритларни парчалашга таъсири.

Расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, MgO_{ум}/P₂O_{5ум}=3,0 бўлганда муҳит pH_{бош} 1,04 pH_{ох} 3,1 ошганлиги, фосфоритнинг парчаланиш

даражаси 70,5% ни ташкил этганлиги аниқланди. Нейтраллаш жараёнида таркибдаги фосфорит миқдорининг оширилиши муҳитнинг pH_{ox} кўрсаткичларининг ошишига ва парчаланишнинг сусайишига олиб келиши кузатилди. Ушбу ҳолат $MgO_{ум}/P_2O_{5ум}=2,0$ нисбатда pH_{ox} 4,1 га ошгани, парчаланиш эса 62,3% га тенглиги аниқланди. Кўп сонли тадқиқотлар натижаларига кўра нейтраллаш жараёнида $MgO_{ум}/P_2O_{5ум}$ 1,0 бўлган нисбатда олинган намуналарнинг pH_{ox} кўрсаткичлари 7,1 гача етиб, магнезиал бўтқани тўлиқ нейтраллашга эришиш мумкинлиги асосланди. Бунда МҚПН фосфоритларининг парчаланиш даража 60%ни ташкил этиши топилди.

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичларида нейтраллаш жараёнида таркибдаги P_2O_5 , MgO , CaO нинг миқдорларининг ўзгариш кинетикаси ўрганилди. Бунда магнезиал бўтқанинг фосфоритларга нисбати $MgO_{ум}/P_2O_{5ум}=1,0 \div 2,0 \div 3,0$ бўлган ҳолатлари кимёвий таҳлил қилинди. Тадқиқотлар натижалари 3-жадвалда келтирилди.

3-жадвал

Магнезиал бўтқани МҚПН фосфоритлари билан нейтраллаб олинган намуналар таркибидаги асосий озуқа компонентлари миқдорлари

$pH_{бош}$	pH_{ox}	Компо- нетлар нисбатлари $MgO_{ум}/P_2O_{5ум}$	Олинган намуна таркибидаги асосий озуқа компонентлари						Парчала- ниш даражаси k_n , %
			P_2O_5 , %		MgO , %		CaO , %		
			$P_2O_{5ум}$	$P_2O_{5ўз}$	$MgO_{ум}$	$MgO_{с.э}$	$CaO_{ум}$	$CaO_{ўз}$	
1,04	3,1	3,0	5,74	4,04	16,63	15,98	15,42	10,06	70,5
	4,1	2,0	9,45	5,88	13,69	12,23	21,17	11,85	62,3
	7,1	1,0	11,38	6,83	10,99	9,65	30,53	16,80	60,0

Таҳлиллар натижаларига кўра $MgO_{ум}/P_2O_{5ум} = 1,0$ бўлганда, яъни тўлиқ нейтралланган намуналарда MgO нинг сувда эрувчан шакли 9,65% га, P_2O_5 нинг умумий миқдори 11,38% ва ўзлашувчан шакли 6,83% га тенглиги аниқланди. Бошқа ҳолатларда ($MgO_{ум}/P_2O_{5ум}=2,0$ ва $MgO_{ум}/P_2O_{5ум}=3,0$) $P_2O_{5ўз}$ кам (4,04-5,88%) бўлиши таркибда фосфоритларнинг миқдорининг камлиги билан, $MgO_{с.э}$ миқдорининг юқори кўрсаткичлари (12,23-15,98%) эса таркибда магнезиал бўтқанинг кўплиги билан изоҳланади.

Кейинги тадқиқотлар паст навли Марказий Қизилқум (ПНМК) фосфоритларини парчалаб азосуперфосфатлар олиш жараёнларида юқори концентрацияли сульфат кислота ва аммоний сульфатдан алоҳида ҳамда биргаликдаги таъсирларининг самарадорлигини ўрганишга қаратилди. Маълумки азосуперфосфатлар олиш жараёнида аммоний сульфат, таркибда ҳосил бўлган монокальцийфосфат билан реакцияга киришиб $NH_4H_2PO_4$ ҳосил бўлиши натижасида намуналар таркибида кўп миқдорда кальций сульфат ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Буни инобатга олган ҳолда тадқиқотларни аммоний сульфатни 96% концентрацияли сульфат кислотада эритиб, тузнинг 4 хил таркибдаги 5-20% концентрацияли эритмалари тайёрланиб ПНМК


фосфоритларини парчалаш тадқиқотлари олиб борилди. Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилди.

4-жадвал


Аммоний сульфат ва 96% ли H_2SO_4 эритмаларида паст навли МК фосфоритларини парчалаб олинган намуналарнинг кимёвий тахлили

№	Эритма меъёри	P_2O_5 , %			N, %	$\frac{P_2O_{5(ўс.ўз)}}{P_2O_{5(ўм.)}}$	$\frac{P_2O_{5(сув.эр)}}{P_2O_{5(ўм.)}}$
		$P_2O_{5ўм}$	$P_2O_{5ўзл}$	$P_2O_{5сув.эр}$			
Аммоний сульфатнинг- сульфат кислотадаги 5%ли эритмаси							
1	60	12,30	5,65	2,56	0,39	45,90	20,81
2	80	11,46	8,03	3,66	0,53	70,10	31,94
3	100	10,74	8,56	5,46	0,66	79,10	50,83
Аммоний сульфатнинг- сульфат кислотадаги 10% ли эритмаси							
1	60	11,74	5,49	2,66	0,75	46,80	22,66
2	80	11,00	7,78	3,82	0,99	70,71	34,73
3	100	10,31	8,38	5,51	1,25	81,30	53,44
Аммоний сульфатнинг- сульфат кислотадаги 15% ли эритмаси							
1	60	11,50	5,58	2,77	1,07	48,52	24,08
2	80	10,60	7,65	3,88	1,43	72,17	38,76
3	100	9,96	8,31	5,57	1,81	83,52	55,92
Аммоний сульфатнинг- сульфат кислотадаги 20% ли эритмаси							
1	60	9,48	7,15	3,11	1,37	75,42	32,81
2	80	9,10	7,85	4,56	1,91	85,49	50,11
3	100	9,01	7,91	5,45	2,32	87,79	60,49

Тадқиқотларда фосфоритларнинг парчаланиш даражалари, сульфат кислотадаги $(NH_4)_2SO_4$ концентрациясининг ҳамда эритма меъёрини 60% дан 100% гача оширилганда, 1,72 мартага ортиб мос равишда 83,52% ва 87,79% ташкил қилиши кузатилди. Хом ашё таркибидаги 1,95% га тенг бўлган $P_2O_{5ўз}$ шакли парчалашдан кейин 4,06 мартага ортиши ва 7,91% га тенглиги аниқланди. Фосфоритларнинг $(NH_4)_2SO_4$ иштирокида H_2SO_4 билан парчаланишидаги олинган намуналар ИҚ спектроскопик таҳлил қилинди. ИҚ спектр натижаларига асосан, бошланғич модда бўлган фосфоритнинг ИҚ спектри (5-расм) олинган ўғит намунасининг (6-расм) ИҚ спектридан тубдан фарқ қилиши кузатилди. Жараёнда фосфорит таркибидаги $CaCO_3$ нинг ҳам тўлиқ парчаланганлигини аниқланди.



5-расм. Паст навли Марказий Қизилқум фосфорити ИК спектри.



6-расм. Аммоний сульфатнинг сульфат кислотадаги 20%ли эритмаси тўлиқ меъёри билан парчалаб олинган намуна ИК спектри.

Кейинги серия тадқиқотлари таркибида бир вақтнинг ўзида N-P-Mg-Ca-S тутган самарадор комплекс ўғитлар олишга қаратдик. Зинельбулоқ кони тальк-магнезити асосида олинган магнезиал бўтқа ва ПНМҚ фосфоритларидан олинган азосуперфосфатлар асосида комплекс ўғитлар олиш тадқиқотиларда азосуперфосфат (АСФ) ва нейтралланган магнезиал (НМБ) бўтқаларни магнийли азосуперфосфатлар олишда мақбул нисбатлар аниқланди. Азосуперфосфатлар ҳамда $MgO_{ум}/P_2O_{5ум}=1,0$ бўлган нисбатларда НМБлар асосида 1:2,3 нисбатларида энг мақбул натижаларга эришилди. Ушбу нисбатда таъсирлаштириб олинган намуналар кимёвий таҳлил қилинди. Натижалар 5-жадвалда келтирилди.

5-жадвал

Магнийли азосуперфосфат ўғити намуналарнинг кимёвий таҳлили

№	Намуна	P ₂ O ₅ миқдори, %		MgO миқдори, %		N ₂	SO ₃	CaO	SiO ₂
		P ₂ O _{5ум}	P ₂ O _{5ўз}	MgO _{ум}	MgO _{сув}				
1	1-намуна	10,46	8,81	9,39	8,13	2,02	30,80	29,60	11,56
2	2-намуна	10,31	8,90	10,69	9,08	2,05	30,88	32,06	11,92
3	3-намуна	10,12	9,02	11,38	9,45	2,06	32,12	28,10	11,30

Олинган сифатли магнийли азосуперфосфат ўғитларини саноат миқёсида ишлаб чиқаришга тадбиқ қилишда, меъёрий-техник ҳужжатларини ишлаб чиқишда уларнинг физик-механик ва товар хоссаларини тавсифловчи

маълумотлар ҳам катта аҳамият касб этади. Шу сабабли дастлаб яратилган янги турдаги ўғитларнинг доналари мустаҳкамлиги ва гигроскопиклигини таҳлил қилинди ва натижалар б-жадвалда келтирилди.

б-жадвал

Магнийли азосуперфосфат ўғити доналарининг мустаҳкамлиги ва гигроскопиклиги

№	Намуналар	Доналарнинг мустаҳкамлиги			Ўғитларнинг гигроскопик нуқталари, %
		кг/дона	кгс/см ²	МПа	
1	1-намуна	1,26	25,40	2,49	72,9
2	2-намуна	1,92	38,71	3,79	79,4
3	3-намуна	2,43	48,98	4,80	81,7

Яратилган N-P-Mg-Ca-S туридаги комплекс ўғит-магнийли азосуперфосфатларнинг табиий қиялик бурчаклари ва уйма оғирликлари ўрганилди (7-жадвал). Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ўғитларни физик-механик ва товар хоссалари ташиш, сақлаш ва қўллаш учун тўла яроқлидир.

7-жадвал

Магнийли азосуперфосфат намуналарининг физик ва механик хоссалари

Кўрсаткичлар	Уйма оғирлик, г/см ³	Хажмий оғирлик, г/см ³	Сочилувчанлик, %	Табиий қиялик бурчаги, °	Оқувчанлик, с
1-намуна	1,82	1,18	100	30	25
2-намуна	2,03	1,29	100	31	27
3-намуна	2,18	1,38	100	33	28

Диссертациянинг «Тальк-магнезит минераллари ва паст навли Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида магнийли азосуперфосфатлар олишнинг технологияси» деб номланган тўртинчи бобида лаборатория модел ускунасида магнийли азосуперфосфатлар олиш технологиясининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш, магнийли азосуперфосфат ўғитлар олишнинг технологик тизими ва материал оқими ва магнийли-азосуперфосфат ўғити ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Бир қатор олиб борилган лаборатория тадқиқотлари асосида магнийли азосуперфосфат олишнинг технологик кўрсаткичлари, магнезитли бўтқани сульфат кислота ёрдамида парчалаб, нейтралланган магний сульфат сақловчи магнезиал бўтқа ва ПНМК фосфоритларидан азосуперфосфат олиш ҳамда ушбу олинган АСФ ва НМБлар асосида магнийли азосуперфосфат олиш босқичларида ўрганилди. Аниқланган кўрсаткичлар қуйидаги 8-жадвалда келтирилди.

8-жадвал

Магнийли азосуперфосфат олишнинг технологик кўрсаткичлари

№	Жараён номи ва кетма-кетлиги	Технологик кўрсаткичлар
1-босқич, магнезитли бўтқани сульфат кислота ёрдамида парчалаб магний сульфат сақловчи магнезиал пульпа олиш		
1	Реакторга келаётган 80-96% H ₂ SO ₄ меъёри, %	100
2	Жараённи давомийлиги, мин	30
3	Жараён ҳарорати, °С	96-100
4	Аралаштиргич тезлиги, мин ⁻¹	150
5	Нордон магнезиал бўтқани паст навли фосфорит билан нейтраллаш, MgO _{ум} /P ₂ O _{5ум} нисбати.	1,0
6	Нейтраллаш жараёни ҳарорати, °С	60-80
2-босқич, ПНМҚ фосфоритларидан азосуперфосфат олиш		
1	Реакторга келаётган аммоний сульфатнинг 96%ли H ₂ SO ₄ даги 20% ли эритмаси ҳарорати, °С	26-30
2	Паст навли фосфоритни парчалаш учун эритма меъёри, %	100
3	Жараённи давомийлиги, мин	10
4	Жараён ҳарорати, °С	120
5	Аралаштиргич тезлиги, мин ⁻¹	150
3-босқич, АСФ ва НМФ лар асосида магнийли азосуперфосфат олиш		
1	Магнийли азосуперфосфат олишда азосуперфосфат ва нордон магнезиал бўтқа нисбати	1:2,3
2	Ўғит намуналарини қуритиш, °С	105
3	Қуритиш давомийлиги, дақиқа	120

Аниқланган технологик кўрсаткичларга асосан бир тонна магнийли азосуперфосфат ўғити ишлаб чиқариш учун моддий баланс ҳисоблаб топилди (9-жадвал).

9-жадвал

Магнийли азосуперфосфатлар олиш жараёнлари моддий баланси:

№	Хом ашё номи	Сарф миқдори		Ҳосил бўлган маҳсулотлар номи	Ҳосил бўлган маҳсулотлар миқдори	
		Кг	%		Кг	%
1	Фосфорит	3525	58,19	Магнийли азосуперфосфат	5343,9	88,77
2	Магнезитли хомашё	1000	16,51			
3	Сульфат кислота (96%)	1402,92	23,15	Газ фаза (CO ₂ , HF)	412,75	6,81
4	Аммоний сульфат	129,68	2,14	Буғ	300,95	4,96
Жами:		6057,6	100		6057,6	100

ХУЛОСА

Диссертация иши бажарилиш жараёнида олинган назарий ва амалий натижалар қуйидагича:

1. Илк бор Зинельбулоқ тальк-магнезитини натрий олеат, сосно мойи ва керосинлар флотореагентлар билан флотациялаш жараёнлари қиёсий ўрганилди ва натрий-олеат тутган жараённинг энг мақбул эканлиги ва 59,45% гача магнитит ажратиб олиш мумкинлиги амалий тасдиқланди.

2. Олинган магнезитли чўкмани термик ишлов бермасдан минерал қайта ишлашга эришилди ва бу жараёнида юқори концентрацияли (96%) сульфат кислотанинг 100% меъёри мақбул эканлиги илмий асосланиб, парчалаш даражаси 83,54 %га, $MgO_{\text{ўз}}$ 13,70% ва $MgO_{\text{суб}}$ 17,04% етказиши аниқланди.

3. Жараёнда ҳосил бўлган кислоталиги юқори бўлган магний сульфат ва эрувчан магний сақловчи магнезиал пульпа ПНМҚ фосфоритлари билан нейтралланиш жараёнлари ўрганилди. Ушбу жараёнда фосфоритдаги $MgO_{\text{ум}}/P_2O_{5\text{ум}}$ нисбати 1,0 бўлган миқдори самарали эканлиги аниқланди.

4. Паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларини турли меъёрлардаги аммоний сульфат ва сульфат кислотадаги эритмаси билан парчалаш натижасида жадалашган оқимли технологик тизим асосида азосуперфосфатлар олишнинг мақбул шароитлари аниқланди. Кўп сонли тадқиқотлар натижаларига кўра 20%ли аммоний сульфат тутган 96% сульфат кислотадаги эритмасидаги фосфоритларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган азосуперфосфатлар энг мақбул таркиб сифатида олинди.

5. Олинган азосуперфосфатлар ва нейтралланган магний фосфатли ярим тайёр маҳсулотлар асосида физик-кимёвий ва товар хоссалари стандарт талабларга жавоб берадиган N-P-Mg-Ca-S сақловчи магнийли азосуперфосфатлар олишга эришилди.

6. Синтез қилинган магнийли азосуперфосфатларнинг гигроскопиклиги (72,9-81,7%), грануллар мустаҳкамлиги (2,49 ва 4,80 МПа) ва табиий қиялик бурчаклари (30,0-33,0°), уйма оғирликлари (1,82-2,18 г/см³) каби хоссалари ўрганилди. Олинган ўғитларнинг кимёвий таркиби $P_2O_{5\text{ум}}$ -10,46 ($P_2O_{5\text{ўз}}$ -9,02), $MgO_{\text{ум}}$ -11,38 ($MgO_{\text{суб}}$ -9,41), $CaO_{\text{ум}}$ -32,20 ($CaO_{\text{ўз}}$ -23,87), SO_3 -30,80, N-2,06, SiO_2 -8,69 бўлган ўғит намуналари олинди.

7. Амалий тадқиқотлар натижаларига кўра турли шароитларда олинган магнийли азосуперфосфатлар олишнинг технолояси яратилди, технологик схемаси таклиф этилди ва тўлиқ таснифи келтирилди. Навоий шаҳридаги «Электрокимё завод» АЖ ҚК қошидаги «Elkimyo-Superfos» МЧЖ тажриба қурилмасида магнийли азосуперфосфатлар олиш технологиялари синовдан ўтди, асосий технологик параметрлари аниқланди ва ўғитларнинг тажриба партиялари ишлаб чиқилди. Моддий баланс ҳисобланди ва техник-иқтисодий жиҳатлари асосланди. 1 т магнийли азосуперфосфат ўғитининг таннархи 924784,80 сўмни ташкил этади ва мавжуд оддий суперфосфатлардан 127215,2 сўмга арзон.

8. Магнийли азосуперфосфатлар ЎзРФА УНКИ “Агрохимия” лабораториясида тажриба участкасида ғалла ва пахта уруғларининг униб чиқишига таъсирлари синалди ва ушбу ўғитларни дала шароитларида қўллашга тавсиялар берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РнД. 03/30.11.2021.Т.55.06 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ УРГЕНЧЕСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

УРГЕНЧЕСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АТАШЕВ ЭЛЁР АТАШЕВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ МАГНИЕВЫХ АЗОСУПЕРФОСФАТОВ
НА ОСНОВЕ СЫРЬЯ ФОСФОРИТОВ ЦЕНТРАЛЬНОГО КЫЗЫЛКУМА
И МАГНЕЗИТА ЗИНЕЛЬБУЛАК**

02.00.13 - Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РнД)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ургенч – 2022

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. По мере роста населения мира растет и потребность в пищевых продуктах. Одним из наиболее эффективных способов обеспечения населения качественными продуктами питания является повышение урожайности сельскохозяйственных культур. Помимо азота, фосфор и калия, важными питательными веществами, обеспечивающий нормальный рост растений и высокие урожаи являются макроэлементы сера, кальций и магний. Поэтому, обеспечение сельского хозяйства качественными, дешевыми комплексными удобрениями, состоящие из разных питательных веществ, содержащие N-P-Mg-Ca-S, получаемые на основе местных природных минералов обретает важное значение.

В мире ведутся научные исследования по созданию технологий получения магниевых азосуперфосфатов. В этом отношении, уделяется особое внимание выделению магнезита методом флотации из тальк-магнезитовых минералов; исследованию процессов получения азосуперфосфатов с оптимальным составом разложением низкосортных фосфоритов с помощью серной кислоты и аммония сульфата; исследовать реологических свойств, гигроскопичности, прочности гранул и механических свойств синтезированных магниевый азосуперфосфатов; на основе созданной технологии разработать технологическую линию производства магниевый азосуперфосфатов, полученных в разных условиях, рассчитать материальный баланс и технико-экономических показателей.

В Республике достигаются эффективным результатам по созданию новых видов сложных минеральных удобрений на основе инновационных технологий и внедрению практическое применение. В третьем направлении Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан поставлены задачи по «... высокотехнологичные переработки в отраслях промышленности, в первую очередь производство продукции с добавочной стоимостью на основе переработки местных сырьевых ресурсов...»¹. В этом отношении, выделение магнезиальной пульпы с помощью серной кислоты из магнезита Зинельбулакского месторождения и создание технологии получения магниевых азосуперфосфатных удобрений на их основе обретает важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению указанных задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан за №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, Постановлениях Президента Республики Узбекистан за №ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О Программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», за №ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», за №ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по

¹Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы».

направлениям «химия» и «биология», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. М.Н. Набиев, Б.М. Беглов, Ш.С. Намазов, С.М. Таджиев, А.М. Амирова, Х.Ч. Мирзакулов, А.У. Эркаев, А.М. Реймов, А.Р. Сейтназаров, У.К. Алимов, И.Т. Шамшидинов, Н.В. Волынскова, Б.Э. Султонов, С. Бауатдинов и другие внесли огромный вклад своими научными исследованиями по разработке технологии производства одинарных фосфорных и комплексных удобрений путем переработки фосфоритов Центральных Кызылкумов, Ходжайли, Ходжакуль, Гулиоб, Каратау и глауконитов Каракалпакстана азотными, фосфорными, серными кислотами. В их исследованиях изучались разложение фосфоритов Центральных Кызылкумов и Каратау серными, азотными, фосфорными кислотами и минеральными солями с получением новых видов фосфорных удобрений. Научно доказаны использование доломита при получении кальция и магний содержащих фосфорных удобрений.

Следует отметить, что до настоящего времени не проводились исследования по разработке технологии производства азосуперфосфатов магния на основе низкосортного высококарбонатного фосфорита Центральных Кызылкум и магнезитного сырья Зинельбулак и по организации широко масштабных производств.

Связь темы диссертации с исследовательской работой научно-исследовательского учреждения, в котором выполняется диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии плана научно-исследовательских работ Ургенчского государственного университета в рамках хозяйственного договора за №11/2021 «Разработка технологии производства бытовых товаров на основе минеральных сырьевых ресурсов и промышленных отходов».

Целью исследования является разработка технологии производства азосуперфосфатов магния на основе низкосортных высококарбонатных фосфоритов Центральных Кызылкумов и Зинельбулакского магнезитового сырья.

Задачи исследования:

провести исследования по разделению магнезитовой пульпы от тальк-магнезитового минерала Зинельбулак флотационным способом;

научно обосновывать возможности получения растворимого сульфата магния из извлеченного магнезитсодержащего осадка переработкой при различных концентрациях и нормах серной кислоты;

изучить влияние концентрации и нормы кислоты на процессы получения низкосортных фосфоритов Центральных Кызылкум серной кислоты в присутствии сульфата аммония для получения азосуперфосфатов различного состава;

провести исследования по созданию физико-химических основ получения азосуперфосфатов магния, содержащих N-P-Mg-Ca-S, на основе фосфоритов Центральных Кызылкум и талька-магнезита Зинельбулака;

исследование реологических свойств, гигроскопичности, прочности гранул и механических свойств полученных магниевых азосуперфосфатов;

